



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 18 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 193 (13.006)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Абдулло Абдуллаев олган сурат

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ЯНГИ ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий, ҳар томонлама қулай, барча шарт-шароитга эга уй-жойлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасида замонавий уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида Тошкент ҳарбий округининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига янги уйнинг қалитлари тантанали топширилди.

Тадбирда ҳарбий округ кўмондонлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари Президентимиз раҳнамолигида Ватан ҳимоячиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хизматни ўташ ва яшаш жойларида шароитларни яхшилаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Реконструкция ишларидан сўнг кўркам қиёфа касб этган мазкур замонавий турар жойда ҳарбийлар оилаларининг яшаш учун барча зарур шароитлар яратилган. Мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, спорт иншоотларининг яқинлиги ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун қулайлик яратди.

Оиласидан кўнгли тўқ кишининг ишида баража бўлади, — дейди ҳарбий хизматчи Фарҳод Ғафоровнинг турмуш ўртоғи Дилдора Ғафорова. — Янги хонадонимиз ҳар бир оила бекаси орзу қилганидек, ёруғ, шинам, ҳамма қулайликларга эга. Бундай ғам-хўрлик учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Капитан Улуғбек Тошмуродов ҳам 3 хонали хонадон соҳиби бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига У.Тошмуродов. — Ана шу эътибор самарасида биз ҳам янги хонадонга кўчиб ўтдик. Юртимиз оқсоқчилигини сақлашда, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Б.БОЗОРОВ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашда инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган юксак самаралар бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР МАҲСУЛИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Илм-фан ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорлик маҳсулот тури ва сифатини оширишга, таннархини арзонлаштиришга хизмат қилаётди. Давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли олимларимизнинг корхоналарни техник ва технологик янгилаш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид тадқиқотлари кўламини кенгаймоқда.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ўз самарасини бераётди. Бу ерда минерал хомашё ва иккиламча техноген маҳсулотларга кимёвий, механик ишлов бериш, уларнинг таркибини ўзгартириш ёрдамида янги хусусиятларга эга органик ва нороганик композицион материаллар яратиш технологиялари ишлаб чиқилмоқда.

Илмий-технологик мажмуа таркибида ўн битта лаборатория, ностандарт ва технологик жиҳозлар бўйича махсус конструкторлик бюроси, ноёб асбоб-уску-

налар бўлими мавжуд бўлиб, юздан ортиқ илмий ходим илмий изланишлар олиб бормоқда. Ўзбекистон Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятлари, "Ўзпахтасаноат", Озик-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Олмалик, Навоий кон-металлургия комбинатларидаги бир қатор корхона ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорликда янги, композицион полимер материаллар ва буюмлар яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Сўнгги йилларда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонаси етимишдан ортиқ ишланма билан иштирок этди ва корхоналар билан кўплаб шартномалар тузишга эришди. 2013 йилда Олмалик кон-металлургия комбинатида жорий этилган, дунё тажрибасида биринчи бўлиб экологик тоза, энергия ва ресурс тежамкор мис олиш технологиясига Ин-

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ЯХШИ ИМКОНИАТ

Жорий йилнинг 26 октябрь – 2 ноябрь кунлари Тошкентда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтади.



Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган брифинг-да шу ҳақда маълум қилинди.

Мамлакатимиздаги ушбу йиллик саноат форуми Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2013 йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноконуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ ўтказилмоқда.

Саноат форумидан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш ва мустақамлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида кенг хабардор қилиш, маҳсулотлар етказиб бериш, жумладан, экспорт қилиш учун ҳамкорлар топиш ва улар билан шартномалар имзолашда ҳўжалик юритиш субъектларига қўмаклашишдан иборат.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси директори Р.Келдиёровнинг сўзларига кўра, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ижобий натижалар бераётган ушбу форум самарадорлиги йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда 2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ва 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури саноат форумининг аҳамиятини белгиламоқда.

Шу боис жорий йилда ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларининг таркиби сифат ва сон жиҳатидан кенгайиб, имзоланган шартномалар, хусусан, экспорт битимлари сони кўпайди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси маълумот-

ларига кўра, саноат форумининг I босқичида 89 мингдан зиёд киши, 4 минг 800 дан ортиқ маҳаллий корхона ва хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди. Стендларда 22 мингдан ортиқ турдаги маҳсулот намойиш этилди. Уларнинг 710 таси янги маҳсулотлардир.

Бу йилги ҳудудий саноат ярмаркаларида 377,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 24,5 фоиз кўпдир. Экспорт шартномалари қиймати 180,8 миллион долларни ташкил қилди ва бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,4 фоиз кўп. Тармоқ саноат ярмаркалари якунари бўйича умумий қиймати 617,9 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу ўтган йилга қараганда 5,2 фоиз кўпдир.

Айни пайтда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иккинчи босқичига тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, тадбир "Ўзэкспо-марказ" миллий кўргазма компанияси майдонларида бўлиб ўтади. Кўргазма мажмуасининг 4 павильони, 2 атриуми, 2 конференция зали, очик турдаги 3 кўргазма майдончаси иштирокчилар ихтиёрида бўлади.

IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида саноатимизнинг асосий тармоқлари, хусусан, металлургия, кимё ва нефть-кимё, автомобил-созлик, машинасозлик, электротехника, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноати корхоналари иштирок этиши кутилмоқда.

Саноат форуми иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида www.coop.uz сайтида иштирокчилар аризасини онлайн режимда тақдим этиш модули яратилди, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган 20 минг турдан ортиқ саноат маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари маълумотлар базаси шакллантирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг 2015-2016 йилги саноат маҳсулотлари каталоги нашр этилди ва унда мамлакатимиздаги 2100 корхона ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумот келтирилган.

Мухтасар айтганда, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳар бир иштирокчи учун ўзқўқувчан ҳамкорлар топиш, истиқболли шартномалар тузиш ва келгуси йил учун маҳсулотлар етказиб бериш бўйича буюртмалар портфелини шакллантириш учун яхши имкониятдир.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

теллекул мулк агентлиги томонидан "Энг яхши ихтиро" номи берилди. Мазкур технология йилига 20,1 миллион доллар фойда келтирмоқда.

Олимларимизнинг илмий изланишлари импорт ўрнини босадиган, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган, — дейди ЎЗА муҳбирига "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонаси раисининг ўринбосари, техника фанлари номзоди Жўра Исмолов. — Жамоамизнинг фундаментал, амалий ва инновацион илмий-технологик изланишлари иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланилиши ҳисобига самарадорлик йилига 20 миллиард сўмга етмоқда.

Янги ишланма ва лойиҳалар ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда. Улардан бири — юкори пласт босимли нефтьгаз қувурларини бургулаш учун иссиқлик ва тузга чидамли композицион кимёвий реагентларни (КХР) олиш технологиясидир. У "Ўзгеобурғунейтгаз" акциядорлик компаниясига қарашли Устюрт қондидаги Сурғил майдони қудудига синовдан ўтказилди. Бунда яратилган кимёвий реагентларнинг ҳар тоннасидан иқтисодий самарадорлик хориждан келтирилаётганига нисбатан олтимчи миллион сўмдан ортиқчи ташкил этиши аниқланди.

Бургулаш эритмаларини тайёрлашда қўлланиладиган самарали композицион кимёвий реагентларни олиш технологияси яратилган бўлиб, енгиллаштирилган КХР-1 полимер реагент асосида бургулаш эритмаси тайёрланди. У "Ўзбекнефтгаз" компаниясининг "Жанубий кемачи" нефть қудудига синовдан муваффақиятли ўтди.

Яна бир ихтиро — полиэтиленнинг оловга чидамлигини ошириш учун антипирен ва бошқа қўшимчаларнинг таъсири ўрганилиб, оловга чидамли композицион полиэтилен материаллар яратилди. Ҳозир улар асосида автобус ўриндиқлари ишлаб чиқаришга тайёргарлик қўриломоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда давлат бошқаруви идораларининг роли мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда тегишли вазирлик ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Нукусда "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги!" шиори остида "Болалар китоби" фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ташкил этилган китоблар кўргазмасида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг фундаментал кутубхонаси, олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказлари, "Қорақалпоғистон" ҳамда "Билим" нашриётлари томонидан болажонларга аталган 1500 дан ортиқ бадиий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари намойиш этилди.

• Термизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, назорат қилувчи ва суд органлари вакиллари, тадбиркор ҳамда фермерлар иштирокида "2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаёtgа татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзусида конференция-семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Хитойдаги Henan Zhonghong Coal Chemical Company кимё заводида шикастланган қувурдан уч юз килограмм сунъий аммиакнинг чиқиб кетиши натижасида яқин атрофдаги қишлоқда истиқомат қилувчи йигирма киши заҳарланиб, касалхонага жойлаштирилди.

• Жазоирда тинимсиз қуйган жала натижасида рўй берган кучли сув тошқинлари камида ўн дан ортиқ киши ҳаёtgа зомин бўлди.

• Япониянинг шимолий-шарқий ҳудудида жойлашган Иватэ музофоти қирғоқларида баландлиги 70 сантиметрлик цунами қайд этилди. Метеорологлар фавқулодда ҳолат тўлалигича бекор қилингунига қадар денгиз атрофига яқинлашмасликни тавсия этмоқдалар.

• Хиндистонлик пенсионер Файзул Ҳасан Квадре ўзининг ҳовлисида Тожмаҳал макбарасининг кичрайтирилган нусхасини бунёд этди.

• Жорий йилнинг ноябрь ойида Япония ўзининг дастлабки тижорат Ер сунъий йўлдошини учуришини маълум қилди. Самога чиқарилгандан сўнг сунъий йўлдош Жанубий Америка ва Атлантика океани ҳудуди устида телекоммуникация алоқаларини таъмирлаш ишлари билан машғул бўлади.



Отабек Мирсатова олган сурат

Софтвер индустрияси мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг жадал ривожланиб бораётган бўғинларидан биридир. Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган "BestSoft Challenge – 2015" республика танлови финал иштирокчиларини тақдирлаш маросими ёш дастурчиларимиз катта салоҳиятга эга экани ва ушбу соҳани янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганидан далолат берди, дея хабар беради ЎЗА.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

"BestSoft Challenge – 2015" танлови Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкентдаги Инха университети, "BePro" дастурчилар маркази ва "Самсунг Электроникс" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар жараёнида ушбу соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича дастурий инжиниринг, веб-дастурлаш, телекоммуникациялар ва бошқа юқори технологияли йўналишларни ўз ичига олган комплекс тизим шакллантирилган. Бу жараёнга ёш дастурчилар ўрта-

сида ўтказиб келинаётган кўплаб танловлар ҳам ҳисса қўшмоқда.

"BestSoft Challenge – 2015" танлови дастурий таъминот ишлаб чиқувчи иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Олий ўқув юртли талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари иштирок этган танловнинг асосий қисми ёш таътил кунлари ўтказилди ва бу ёшларга таътилни қизиқarli ва фойдали ўтказиш имконини берди.

Танлов бир қанча йўналишлар бўйича ўтказилди. "Электрон тижорат соҳасидаги энг яхши ечим" номинациясида интернет ёрдамида товар ва хизматлар тақдир этиш, буюртмалар қабул қилиш, тўловномани тақдим этиш, онлайн режимда тижорат битимлари бўйича транзакцияни амалга ошириш, электрон маркетингни юритиш имконини берадиган лойиҳалар баҳоланди. Ушбу йўналишда "FJ" лойиҳаси муаллифлари – Тошкент автомо-

биль-йўллар институти талабаси Фарҳод Қосимов ва Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси Юля Пацулевич ғолиб деб топилди.

"Таълим соҳасидаги энг яхши лойиҳа" номинациясида ўқув жараёнини автоматлаштириш, электрон дарсликлар, масофавий ўқитиш учун дастурий таъминот бўйича ишланмалар қўриб чиқилди. Бу номинацияда "MaTH Equations" ишланмаси муаллифи, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунаро коллежи ўқувчиси Отабек Давронбеков ғолиб бўлди.

"Компьютер, браузер ва мобил ўйинлар ишланмаси" номинацияси катнашчиларидан кўникмалар, жумладан, хорижий тилларни ўзлаштириш, янги билимга эга бўлишга ёрдам берадиган ўйинлар ишлаб чиқиш талаб қилинди. Ушбу номинацияда "Варракчи болакай" мобил ўйинини яратган Навоий кончилиқ коллежи ўқувчиси Шохжон Султонов ғалаба қозонди.

М.ҚАРИБОВЕВ

ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонасида ташкилот ишчи-ходимлари ва бошланғич ташкилот аъзолари иштирокида "Юксак марраларни забт эт Ватаним – Ўзбекистони!" мавзuida маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси бошлиғи Даврон Норов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси ўринбосари Феруза Хаитова ва бошқалар халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган мустақилликдек бебаҳо неъматнинг кадр-қимматини теран идорак этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга киритган ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз, жаҳон жамоатчилигига еткази-

зиш лозимлигини таъкидлашди.

— Ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас яшаш ҳисларини шакллантириш, глобаллашув даврида уларни турли зарарли таъсирлар, бузғунчи ғоялардан асраб-авайлашимиз муҳим, — дейди Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Мирзо Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси раҳбарининг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи бўйича ўринбосари Феруза Турдиева. — Ёмон иллатлардан ёшларимизни асраш ҳар биримизнинг

бурчимиз эканлигини унутмаслик лозим.

Мухтасар қилиб айтганда биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга аҳамият қаратиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тадбир давомида бу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилди. Ташкилотдаги ёшлар ўртасида бундай тадбирларни ўтказиш уларни ҳар тарафлама қамол инсон бўлиб етиштишларига ҳисса қўшиш, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашларини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашди.

Тадбирда ўзларининг қизиқarli ва долзарб мавзудаги саволлари билан иштирок этган иштирокчилар бошланғич ташкилот томонидан савгалар билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент Фармацевтика институтида "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан патронаж ёшлар ҳаракати гуруҳ сардорлари учун "Нуронийлар эъзозимизда" мавзuida ўқув-семинар бўлиб ўтди.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ҚАРИЯЛАР ҚАДРЛАНМОҚДА

Семинарда, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти, пиру бадавлат инсонларни эъзозлаш, уларнинг мазмунли ҳордик чиқаришлари учун яратилаётган имкониятлар ва нуронийларимизга ғамхўрлик кўрсатишдек халқимизга хос қадриятлар хусусида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, қарияларнинг кўнгилни олиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш барчамизнинг бурчимиздир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Кексаларни эъзозлаш йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар

қўлами янада кенгайиб бормоқда.

Бу борада, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, ҳаракатнинг шаҳар филиали томонидан ташкил этилган "Нуронийларимиз эъзозимизда" 497 патронаж ёшлар гуруҳи томонидан Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатилиб, турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашилмоқда.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Мамлакатимиз Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг экспорт-импорт, савдо, саноат, автомобилсозлик, қурилиш, кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электрон маҳсулотлар ва табиийёт ускуналари ишлаб чиқариш, сугурта, косметика каби соҳаларда фаолият юритадиган вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда барқарор ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган қелишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислон Каримовнинг жорий йилнинг май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи стратегик шериклик муносабатларига янги суръат бағишлади. Ташриф доирасида имзоланган қарийб 7,7 миллиард АҚШ долларига тенг 60 ҳужжат икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилаётди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея катта иқтисодий салоҳиятга эга мамла-

катлардир. Бу соҳада икки давлат ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, кончилик, машинасозлик, тўқимачилик, логистика, кимё

ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Бунинг самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил юксалиб бормоқда.

Инвестициявий ҳамкорлик қўлами ҳам мунтазам кенгаймоқда. Жанубий корейлик ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билдирмоқда, мамлакатимизда инвестиция кириштириб, янги қўшма корхоналар ташкил этаётди. Айни пайтда Ўзбекистонда Жанубий Корея ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб корхоналар мавжуд бўлиб, улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-

овқат саноати, машинасозлик, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритмоқда.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги марраларга олиб чиқиш учун икки томон ҳам улкан имкониятларга эга экани қайд этилди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш, маҳсулот турларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, сармоя киритишнинг истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, "Навоий" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги қўлайликлар ва имтиёзлар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойи-

ҳалар ва уларнинг ижроси, ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

— Ташкилотимиз Жанубий Корея корхоналарининг ташқи бозордаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан шуғулланади, — деди "Kobis" Жанубий Корея бизнес-инкубация уюшмаси вице-президенти Ли Ги Сук. — Улкан иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон бозори ғоят истиқболли. Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, юксак кўрсаткичларга эришмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 8 фоиздан ошаётгани тахминга лойик. Мазкур тадбирда иштирок этган Жанубий Кореянинг барча компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдирмоқда. Уюшмамиз Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда.

Кооперацион биржада Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари вакиллари ҳамда Жанубий Корея ишбилармонлари ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорликни янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг турли йўналишларида бизнес алоқаларини кенгайтириш, савдо ва саноат соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қелишиб олди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР МАҲСУЛИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Илмий жамоанинг изланишлари натижасида тўқимачилик саноати учун матоларни синтетик бўёқларни қўллашдан бундан бундан янги технология ишлаб чиқилди. Бунда табиий ва синтетик толарани бўйлаб учун маҳаллий хомашёлар асосида бўёвчи композициялар яратилди. Олинган ранглар чет элдан келтирилаётган синтетик бўёқларга нисбатан юқори, нурга, ишқаланишга ва кимёвий тазалашга чидамдир. Бўйлаб жараёни учун сарфланадиган вақт 10 баробарга қисқариб, 5-7 минутни ташкил этмоқда. Бу энергияни тежаш ва маҳсулот таннархи сезиларли даражада арзон бўлишини таъминлайди.

Корхонада кишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи изланишлар ҳам олиб боришмоқда. Антифрикцион — ейилишга чидамли композицион полимер материаллардан тайёрланган деталлар пахта қабул қилувчи ва узатувчи машина ишчи қисмларида синовдан ўтказилди. Натижада пахтани қайта ишлаш мажмуасида машиналар ишчи қисмлари деталларини ишлаш муддати учун намунавий санат регуляторини ишлаб чиқилди. Кишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига ишлов берадиган композицион кимёвий реагентларнинг технологик хоссаларини ўрганиш ҳам яхши самара берди. Шунингдек, "КПМ-Дармон" препаратини ўсимликларнинг ўсиш жараёнини тезлатиши (биостимуляция) бўйича таъсирлар ишлаб чиқилди.

Истиқболда амалиётга жорий этилиши кўтилаётган лойиҳалар ҳам талайгина. Улардан бири — автомобиль йўлларини қоплаш учун янги зичлайдиган композицион қоплама ва материалдир. Янгилу ва Андижон ёғ-мой корхоналари чиқиндиларидан фойдаланиб, нефть соҳасида ишлатиладиган ускуналар, қувурлар учун занг ингибиторлари ва улар асосида композицион полимер қопламалар синовдан ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, замонавий илмий-техник тараққиётда маҳаллий ва иқлимавчи хомашёлар асосида янги авлод материалларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустахкам, барқарор, таъсир бериладиган бардошли, экологик зарарсизлиги ва бошқа муҳим жиҳатлари боис уларга талаб тобора ортмоқда.

Сайёра ШОЕВА

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан 2013-2017 йилларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастурининг бажарилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда глобал иқлим ўзгаришлари шароитида кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сугорилишни теҳамкор технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда сувдан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили 5 минг километрдан ортиқ сугориш, 12 минг километр коллектор-дренаж, 50 минг километр ариқ тармоқлари тозаланмоқда. 200 километрдан зиёд каналлар, 530 километр лоток ва коллектор тармоқлари, 400 дан ортиқ гидротехник иншоотлар ва бошқа кўплаб объектлар реконструкция қилинмоқда ва қуриломоқда.

Сувдан фойдаланиш самардорлигини оширишда Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ қабул қилинган дастур асосида мелiorация объектлари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш, томчилатиб сугориш тизimini жорий қилиш, сув хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари қўрилмоқда.

Шу мақсадда "Ўзбекистоннинг" давлат лизинг компанияси, мелiorация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга иқтисослашган эллика яқин унитар корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан 2013 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида лизинг асосида 550 мелiorатив техника ва ускуна, жумладан, 180 дан зиёд экскаватор, етмишга яқин бульдозер, 65 юк автомобиллари ва бошқа механизмлар етказиб берилди. Бунинг учун Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамғармаси ҳисобидан 197,6 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Натижада 2013-2014 йилларда 560 минг гектардан зиёд майдоннинг мелiorатив ҳолати яхшиланди, қучли ва ўрта шўрланган ер майдонлари 71,3 минг гектарга қисқарди. 374,1 минг гектар сугориладиган ернинг мелiorатив ҳолати барқарорлиги сақлаб қолинди. 2017 йилгача белгиланган давлат дастурининг амалга оширилиши 1,1 миллион гектар сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қучли ва ўрта шўрланган ер майдонларини 87 минг гектарга қисқартириш имконини беради. 82 километр мелiorация объектларининг техник ҳолатини яхшилаш ва 255 минг гектар майдонда коллектор-дренаж сувларининг кафолатли оқимини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Маълумотларга кўра, 2013-2017 йилларда 25 минг гектар майдонда томчилатиб сугориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда плёнка тўшаб сугориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда ўқарилар ўрнига эгилувчан қувурлар ёрдамида сугориш усуллари жорий этилиши белгиланган. Ҳозирга қадар 10,8 минг гектарда томчилатиб сугориш тизими жорий қилинди.

— Сугориш тармоқларида сувнинг техник йўқотилиши ва филтрацияси камайишига эришилмоқда, — дейди Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамғармасини бошқариш департаменти бўлим бошлиғи Шерзод Саидов. — Томчилатиб сугориш тизimini барпо этиш учун сув насоси, филтёр ҳовуз-тизидирги, ўқитловчи мослама, магистрал ва тарқатувчи қувурлар, сугориш шланглари ҳамда ёрдами қисмларнинг аксарияти юртимизда ишлаб чиқаришмоқда. 2014 йил Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга асосан юридик шахслар ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб сугоришдан фойдаланаётган бўлса, ўша майдон учун томчилатиб сугориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди.

Тадбирда журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

(ЎЗА)

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Сув ости дунёси". Х/ф.
7.15 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Сайёрапар". Х/ф.
9.30 "Кранфорд". Т/с.
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Таваллуд".
11.55 "Муҳаббат макони".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Опа-сингил Элиотлар". Т/с.
13.45 "Табиат ҳодисалари". Х/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.20 "Қинокдан нигоҳ". Х/ф. 1-қисм.
16.00 "Иқлим".
16.05 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачик".
17.30 "Агроолам".
17.45 "Сўхбатдош".
18.00 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "Имконият".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
20.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.20 - 00.05 "Амелия". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.50 "Агроолам".
00.55 "Шарқ гавҳари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Денгиздан томчи".
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
5.15 - 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Жаноб Хундистон". Б/ф. 1-қисм.
7.40 "Ешлик навалари".
8.00 "Каминанинг оиласи". Т/с.
8.40 "Шарқ гавҳари".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Қамолот-инфо".

Ўзбекистон

10.10 "Аразлама". Б/ф.
11.40 "Муваффақият қалити".
12.00 "Гўзаллар гўзали". Т/с.
12.50 "Устозга таъзим".
13.00 "Давр".
13.10 "Икки дил достони". Б/ф.
14.50 "Соғлом ҳаёт".
15.10 "Гўзаллар гўзали". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Сенга ошиқман". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Имкон-шоу".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с. Премьера.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с. Премьера.
20.20 "Нукта назар".
20.50 "Ешлик навалари".
21.10 "Мехмонхона". Т/с. Премьера.
22.00 "Давр".
22.30 "Сўғру қуни". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
2.40 "Аразлама". Б/ф.
4.00 "Шарқ гавҳари".
4.50 "Бир қадам". Т/с.
5.30 - 6.00 "Давр".

Ўзбекистон

00.05 "Эртаминг эгалари".
00.25 "Қасл". Т/с.
1.00 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.30 "Ишдаги ишқ". Б/ф.
1-2 қисмлар.
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Курсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаси".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 Интерфутбол.
10.15 АНОНС.
10.20 "Этироф".
10.30 Байдарка ва каноэ. Слалом. Жаҳон чемпионати.
11.30 АНОНС.
11.35 "Мундиал сари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 АНОНС.
13.05 Велоспорт.
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Поле чудес".
08.00 Новости.
08.05 Контрольная закупка.
08.30 "Жить здорово!".
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 "Сегодня вечером".
13.10 Смак.
13.45 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет". Продолжение.
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми". Программа Юлии Меньшовой.
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Путь говорят".
20.00 "Время".
20.10 "Накшлар жилоси".
20.25 "Вечерний Ургант".
23.00 "Познер".
00.00 Ночные новости.
00.15 "Городские пикеры".
Х/ф "Код 100".
01.45 Х/ф "Ликвидатор".
02.00 Новости.
02.05 Х/ф "Ликвидатор".

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
19.10 Т/с "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Непридуманная жизнь".
23.50 "Честный детектив".
00.50 Х/ф "Собака на сене". 1-я с.
02.15 Т/с "Чокнутая".
04.10 "Комната смеха".

НТВ

05.00 НТВ утроем.
06.10, 07.05 Т/с "Лесник".
07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
08.00 Утро с Юлией Высоцкой.
09.20 Т/с "Возвращение Мухтара".
11.00, 12.20 Суд присяжных.
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14.00 Лолита.
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
17.00 Ток-шоу "Говорим и показываем".
18.40 Т/с "Шеф. Новая жизнь".
22.30 Анатомия дня.
23.10 Т/с "Шахта".
01.00 Снего в СССР.
02.00 Т/с "Час Волкова".
04.00 Т/с "Адвокат".

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Сув ости дунёси". Х/ф.
7.15 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Хайт". Х/ф.
9.30 "Кранфорд". Т/с.
10.20 "Ягона оилада".
10.40 "Иқлим".
10.45 "Навий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Накшлар жилоси".
11.20 "Минг бир жон". В/ф. 1-қисм.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Опа-сингил Элиотлар". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Устурлоб".
14.35 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.10 "Қинокдан нигоҳ". Х/ф. 3-қисм.
15.50 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
16.35 "Иқлим".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Нотариус маслаҳати".
17.20 "Иқлим".
17.25 "Сен ёлғиз эмассан".
17.40 "Парламент ҳаёти".
18.00 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "Менинг боғим".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Монк". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Тадбиркорлар телеклуби".
22.25 - 00.00 "Виктория". Б/ф.
00.00 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.40 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
3.15 "Денгиздан томчи".
3.45 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
5.20 "Навий олами".
5.40 - 5.55 "Чашмалар".

Тошкент

6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poxyt-sport".
10.20 "Қасл". Т/с.
11.10 "Халис назар".
11.45 "Poxyt-madaniyat".
12.10 Миллий сериал: "Хаёт пиллаполярлари".
12.45 "Пойтахт-репортаж".
13.15 "Хикматли дунё".
13.40 "Калб".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Сохибжамол ва махлук". Т/с.
15.50 "Poxyt-sport".
16.15 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 3-қисм.
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Poxyt-reportaj".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.00 "Сохибжамол ва махлук". Т/с. Премьера.
20.30 "Очлик мулоқот".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Дьявол нести правду". Х/ф.
00.05 "Қўнғил ҳайратлари".
00.35 "Хикматли дунё". Теленовелла.
1.00 "Poxyt-Hi-tech".
1.10 "Қасл". Т/с.
1.45 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 1-2 қисмлар.
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мисоли уч мушкетёр". Б/ф. 1-қисм.
7.40 "Ешлик навалари".
8.00 "Каминанинг оиласи". Т/с.
8.40 "Шарқ гавҳари".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Тоғлик қув". Б/ф.
11.40 "Давр мавзуси".
12.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
12.50 "Устозга таъзим".
13.00 "Давр".

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қўнғил: Жомеъ масжиди". Х/ф.
7.15 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ўй тақими".
9.00 "Буюк аждодларимиз".
9.30 "Чашмадор". Б/ф.
10.55 "Иқлим".
11.00 "2015 йил - Кексаларни эъзозлаш йили".
11.20 "Минг бир жон". В/ф. 2-қисм.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Маҳаллада дув-дув гап". Б/ф.
14.20 "Муборак масканлар".
14.40 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.15 "Ўйдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.00 "Қинокдан нигоҳ". Х/ф. 2-қисм.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Калб гавҳари".
17.35 "Эъзоз". Теленовелла.
17.40 "Иқлим".
17.45 "Сўхбатдош".
18.00 "Бўрилар замини".
18.30 "Бизнес-старт".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
22.25 - 23.35 "Сўнчи". Б/ф.
23.35 "Буюк аждодларимиз".
00.00 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.35 "Бизнес-старт".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Чечна". Спектакль.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
5.25 - 5.55 "Қалб гавҳари".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мисоли уч мушкетёр". Б/ф. 2-қисм.
7.40 "Ешлик навалари".
8.00 "Каминанинг оиласи". Т/с.
8.40 "Шарқ гавҳари".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Мафтунингман". Б/ф.
11.40 "Ош бўлсин!".
12.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
12.50 "Устозлик бахти".
13.00 "Давр".
13.10 "Келинлар кўзголини". Б/ф.
14.30 "Шарқ гавҳари".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".

Ўзбекистон

13.10 "Кичкина табиб". Б/ф.
14.50 "Қизлар мактаби".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Мехмонхона". Т/с.
16.50 "Автопатруль".
17.10 "Имкон-шоу".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
20.20 "Нукта назар".
20.50 "Ешлик навалари".
21.10 "Мехмонхона". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Миллат хазинаси-2". Б/ф.
00.30 "Афсона ва ҳақиқат".
2.30 "Тоғлик қув". Б/ф.
3.50 "Шарқ гавҳари".
5.00 "Бир қадам". Т/с.
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00 "Poxyt".
6.20 Миллий сериал: "Хаёт пиллаполярлари".

ЧОРШАНБА, 23

6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poxyt-sport".
10.20 "Қасл". Т/с.
11.10 "Халис назар".
11.45 "Poxyt-madaniyat".
12.10 Миллий сериал: "Хаёт пиллаполярлари".
12.45 "Пойтахт-репортаж".
13.15 "Хикматли дунё".
13.40 "Калб".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Сохибжамол ва махлук". Т/с.
15.50 "Poxyt-sport".
16.15 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 3-қисм.
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Poxyt-reportaj".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.00 "Сохибжамол ва махлук". Т/с. Премьера.
20.30 "Очлик мулоқот".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Дьявол нести правду". Х/ф.
00.05 "Қўнғил ҳайратлари".
00.35 "Хикматли дунё". Теленовелла.
1.00 "Poxyt-Hi-tech".
1.10 "Қасл". Т/с.
1.45 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 1-2 қисмлар.
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Курсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт".
6.25 АНОНС.
6.30 "Матонат".
6.50 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 "Евротайм".
9.15 Волейбол. Жаҳон Кубоги.
10.35 "Осиё футбол".
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT NEWS".
11.10 Автоматоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Бокс. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Байдарка ва каноэ. Слалом. Жаҳон чемпионати.
15.25 "Нишонга олдим".
15.35 Баскетбол. Европа чемпионати.
16.45 Теннис. АТР/ВТА турнири.
18.05 Курсатувлар тартиби.
18.10 "Спорт сайёраси".

Спорт

08.05 Контрольная закупка.
08.30 "Жить здорово!"
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Джуна".
13.10 Смак.
13.45 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет".
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми". Программа Юлии Меньшовой.
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Путь говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Джуна".
22.25 "Вечерний Ургант".
23.05 Ночные новости.
23.20 "Политика".
00.20 Х/ф "Меня зовут Хан".
02.00 Новости.
02.05 Х/ф "Меня зовут Хан".
03.05 Модный приговор.

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Непридуманная жизнь".
22.55 "Специальный корреспондент".
00.35 Х/ф "Театр". 1-я с.
02.00 Т/с "Чокнутая".
04.00 "Комната смеха".

НТВ

05.00 НТВ утроем.
06.10, 07.05 Т/с "Лесник".
07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
08.00 Утро с Юлией Высоцкой.
09.20 Т/с "Возвращение Мухтара".
11.00, 12.20 Суд присяжных.
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14.00 Лолита.
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
17.00 Ток-шоу "Говорим и показываем".
18.40 Т/с "Шеф. Новая жизнь".
22.30 Анатомия дня.
23.10 Т/с "Шахта".
01.00 Квартирный вопрос.
02.05 Т/с "Час Волкова".
04.00 Т/с "Адвокат".

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Наедине со всеми".
08.00 Новости.

ПАЙШАНБА, 24

11.15 "Сифат назорати".
11.45 "Poxyt-Hi-tech".
12.10 Миллий сериал: "Хаёт пиллаполярлари".
12.45 "Мобиль камера".
13.15 "Очлик мулоқот".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Сохибжамол ва махлук". Т/с.
15.50 "Poxyt-sport".
16.15 "Йуқолган одам". Б/ф.
17.40 "Обод хонадор".
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.30 "Профессионал".
18.50 "Poxyt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Сохибжамол ва махлук". Т/с. Премьера.
21.00 "Сайёр камера".
21.30 "Пойтахт-эко".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Босиком по городу". Х/ф.
23.45 "Пойтахт-Hi-tech".
00.05 "Пойтахт йўллари".
00.25 "Хикматли дунё" теленовелла.
1.00 "Пойтахт-эко".
1.10 "Қасл". Т/с.
2.10 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 3-қисм.
3.45 "Poxyt-eko".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Курсатувлар тартиби.

19.50 "Нишонга олдим".
20.00 "Евротайм".
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Ватан шаъни".
20.55 "Евротайм".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 "Sport report".
22.10 Интерфутбол.
23.50 АНОНС.
23.55 "Техноспорт".
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Волейбол. Жаҳон Кубоги.
2.45 АНОНС.
2.50 "Ватан шаъни".
3.10 Баскетбол. Европа чемпионати.
4.10 "Хамжихат оила: Ливерпуль". Хужжатли фильм.
4.35 АНОНС.
4.40 - 6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Наедине со всеми".
08.00 Новости.
08.05 Контрольная закупка.
08.30 "Жить здорово!"
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.

